

## Тафриқага бўлинишнинг диний ва дунёвий зарарлари



06:17 / 24.08.2018 5564

Бугунги жумъа мавъизасида имом-хатибларимиз "Тафриқага бўлинишнинг диний ва дунёвий зарарлари" мавзусида маъруза қиладилар. Бу ҳақда [ЎМИ расмий сайтида хабар берилмоқда.](#)

ميجرلا نمرلا لوللا مسب

**Муҳтарам жамоат!** Аллоҳ таоло инсонларни бир ота ва бир онадан пайдо қилиб, уларни Ер юзи бўйлаб турли хил миллат ва элатлар шаклида тарқатиб юборди. Инсонларнинг бу каби хилма-хиллиги фитрий бўлиб, Аллоҳ таоло уни илоҳий ҳикмат ила жорий қилди. Яъни, бу бўлиниш ажралиш учун эмас, балки бирлашиш ва ўзаро яқинлашиш учун









ярамайди! Айниқса, замонавий электрон воситалари, интернет тармоқлари орқали тарқатилган диний мавзудаги маълумотларнинг ҳаммаси ҳам соф ислом ғоясига, бизнинг ақидамизга тўғри келавермайди. Шунинг учун интернет тармоғидан фойдаланадиган фарзандларимиздан огоҳ бўлайликки, токи улар экстремистик оқимлар таъсирига тушиб, алданиб қолмасинлар.

Диний илми етарли бўлмаган кишининг илмсиз тарзда фатво бериши ҳам одамлар орасида тафриқага сабаб бўлувчи омиллардан бири саналади. Диний илми бўлмаган кишининг олимликни даъво қилиши такаббурликдир. Аслида бундай кимсаларни илмдан гапиришга ҳаққи йўқ. Чунки, ҳадиси шарифда шундай дейилган:

اَلْمَلِكُ سَوَّوْهُ يَلْعَلْ لَيْلِ صَدْرِهِ لَلْاَلُوسَرَّ لَاقَ لَاقَ هَلْ لَ اِيضَرُّ كَلَامَ نَبِيٍّ فَوْعَ نَع  
**اَلْاَتُّخُّمُ وَا رُوْمُ اَمِّ وَا زِيْمَةُ اَلْاَلِ صُقَي**

(دواد وبأمام إله اور).

яъни: Авф ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: **“Одамларга илмдан фақат амир (подшоҳ), ёки маъмур (подшоҳ томонидан рухсат берилган шахслар), ёки мутакаббир (ўзини катта олувчи) панд насиҳат қилади”**, – дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Демак, одамларга ваъз айтишга фақат мутасадди раҳбарнинг ёки у томонидан ижозат берилган олим кишиларнинг ҳаққи бор. Улардан бошқа ким воизлик қилса, демак, бу – унинг манманлигидан, ўзига бино қўйганлигидандир.

Аллоҳ таоло барчаларимизни бир ёқадан бош чиқариб, меҳр-оқибат билан, тинч-тотувликда ҳаётгузаронлик бахтига муяссар айласин. Омин!